

1415/3464 – عن أبي هريرة رضي الله عنه أنه سمع النبي صلى الله عليه وسلم يقول: إن ثلاثة في بني إسرائيل: أبرص وأقرع وأعمى، بدا لله أن يبتليهم ملكاً، فأتى الأبرص فقال: أي شيء أحب إليك؟ قال: لون حسن، وجلد حسن، قد قدرني الناس، قال: فمسحة فذهب عنه، فأعطي لوناً حسناً، وجلداً حسناً، فقال: أي المال أحب إليك؟ قال: الإبل، فأعطي نافقة عشراء، فقال: يبارك لك فيها. وأتى الأقرع فقال: أي شيء أحب إليك؟ قال: شعر حسن، ويذهب عني هذا، قد قدرني الناس، قال: فمسحة فذهب، وأعطي شعراً حسناً، قال: فأي المال أحب إليك؟ قال: البقر، قال: فأعطيه بقرة حاملاً، وقال: يبارك لك فيها. وأتى الأعمى فقال: أي شيء أحب إليك؟ قال: يُؤذن الله إلى بصري، فأبصري به الناس، قال: فمسحة فرد الله إليه بصراه، قال: فأي المال أحب إليك؟ قال: الغنم، فأعطيه شاةً والدًا، فأتى هذان وولدها، فكان لهما وادي من إيل، ولهما وادي من بقر، ولهما وادي من الغنم، ثم إن أتى الأبرص في صورته وهىئته، فقال: رجل مسكون، تقطعت بي الحال في سفري، فلا بلاغ اليوم إلا بالله ثم بك، أسألك بالذي أعطيك اللون الحسن والجلد الحسن والمال، بغير أتبلي عليه في سفري. فقال له: إن الحقوق كثيرة، فقال له: كأيني أعرفك، ألم تكون أبرص يذكر الناس فقيراً فأعطيك الله؟ فقال: لقد ورثت لـكابراً عنـ كابراً، فقال: إن كنت كاذباً فصيرك الله إلى ما كنت، وأتى الأقرع في صورته وهىئته، فقال له مثل ما قال لهما، فرد عليه مثل ما رد عليه هذان، فقال: إن كنت كاذباً فصيرك الله إلى ما كنت. وأتى الأعمى في صورته، فقال: رجل مسكون وابن سليل، وتقطعت بي الحال في سفري، فلا بلاغ اليوم إلا بالله ثم بك، أسألك بالذي رد عليك بصراك شاةً أتبليها في سفري، فقال: قد كنت أعمى فرد الله بصري، وفقيراً فقد أعناني، فخذ ما شئت، فوالله لا أجهدك اليوم بشيء أحذته لله، فقال: أمسك

مَالِكَ، فَإِنَّمَا ابْتُلُوكُمْ، فَقَدْ رَضِيَ اللَّهُ عَنْكُمْ، وَسَخَطَ عَلَى صَاحِبِيْكُمْ.

1415.3464. Абу Хурайра розияллоҳу анҳу сўзлаб берди:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шундай деяётганларини эшитганман: **«Аллоҳ Бану Исроилдан учтасини - пес, кал ва кўрни синамоқчи бўлиб, уларга бир фариштани юборди.** У песга келиб: «Сен учун энг суюкли нарса нима?» деди. У: «Чиройли ранг ва чиройли тери. Одамлар мендан жирканадиган бўлиб қолди», деди. Шунда (фаришта) уни силаган эди, ундан (песлик) кетиб, унга чиройли ранг ва чиройли тери ато этилди. Кейин (фаришта): «Сен учун энг суюкли мулк нима?» деди. У: «Туя», деди [ёки «Сигир», деган. (Ровий Исҳоқ ибн Абдуллоҳ) бунда: «Пес ва калнинг бири «Туя» деган, иккинчиси «Сигир» деган», деб иккиланган.] Унга ҳомиласи ўн ойлик моя ато этилди. (Фаришта) **«Баракасини берсин»**, деди.

Кейин калнинг олдига келиб: «Сен учун энг суюкли нарса нима?» деди. У: «Чиройли соч ва мана бунинг мендан кетиши. Одамлар мендан жирканадиган бўлиб қолди», деди. Шунда (фаришта) уни силаган эди, (каллик) кетиб, унга чиройли соч ато этилди. Кейин (фаришта): «Сен учун энг суюкли мулк нима?» деди. У: «Сигир», деди. (Аллоҳ) унга бўғоз сигир ато этди. (Фаришта) **«Баракасини берсин»**, деди.

Кейин кўрнинг олдига келиб: «Сен учун энг суюкли нарса нима?» деди. У: «Аллоҳ менга кўзимни қайтарса, одамларни кўрсам», деди. Шунда (фаришта) уни силаган эди, Аллоҳ унга кўзини қайтариб берди. Кейин (фаришта): «Сен учун энг суюкли мулк нима?» деди. У: «Қўй», деди. (Аллоҳ) унга болали қўй ато этди.

Нариги икковининг туя ва сигирлари болалади, бунисиники қўзилади. Натижада анавиники бир водий туя, манавиники бир водий қорамол ва буники бир водий қўй бўлди. Сўнгра у (фаришта ўзининг) ўша сурати ва ҳолатида песнинг олдига келиб, «Бир мискин одамман, сафарим сабаблари қирқилди, энди бор умидим фақат Аллоҳдан, сўнгра сендандир. Сенга чиройли ранг, чиройли тери ва мол-дунё ато этган Зотни ўртага қўйиб, сафарда (манзилимга) етиб олиш учун сендан бир дона туя сўрайман», деди. У бунга: «(Зиммамда) ҳақлар кўп», деди. Шунда бу унга: «Мен сени танигандайман. Сен одамлар жирканадиган пес эмасмидинг? Камбағал эмасмидинг? Кейин Аллоҳ сенга ато берган эди-ку?» деди. (Пес:) «Мен буни (мол-дунёни) ота-бобомдан мерос қилиб олганман», деди. (Фаришта:) «Агар ёлғончи бўлсанг, Аллоҳ сени аввалги ҳолингга қайтариб қўйсин», деди. Кейин (фаришта ўзининг) ўша сурати ва ҳолатида калнинг

олдига келиб, унга ҳам анавинга айтганини айтган эди, у ҳам ўша берган жавобга ўхшаш жавоб қайтарди. Шунда у (фаришта): «Агар ёлғончи бўлсанг, Аллоҳ сени аввалги ҳолингга қайтариб қўйисин», деди. Сўнгра (фаришта ўзининг) ўша суратида кўрнинг олдига келиб: «Бир мискин одамман, йўловчиман, сафарим сабаблари қирқилди, энди бор умидим фақат Аллоҳдан, сўнгра сендандир. Кўзингни қайтарган Зотни ўртага қўйиб, сафарда (манзилимга) етиб олиш учун сендан бир дона қўй сўрайман», деди. (Кўр:) «(Ха,) мен кўр эдим, Аллоҳ менга кўзимни қайтиб берди. Камбағал эдим, бой қилди. Хоҳлаганингни ол, Аллоҳга қасамки, Аллоҳ учун олган ҳеч бир нарсангни бугун сендан аямайман», деди. Шунда у (фаришта): «Молинг ўзингда қолсин. Сизлар синалдингиз, холос. Аллоҳ сендан рози бўлди, икки шеригингдан эса норози бўлди», деди».

Манба: hadis.islom.uz

